

TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_


Viloyat
ijtimoiy-siyosiy
gazetasi

1928-yil 11-dekabrda
asos solingan

2024-yil 20-mart / CHORSHANBA / № 15-16 (13674-75)



*Олам нурга
тўлсин
сен билан,
Наврўз!*



■ Шукуҳ

*Ўзинг бошқачасан,
баҳорим!*

Тонларинг оҳорли, зийнатли,
Бинафша атриддек қийматли,
Ўзга ғўзалликлар – миннатли,
Ўзинг бошқачасан, баҳорим.

Сен борки, севги бор, нозлар бор,
Қулоққа айтилар сўзлар бор,
Етолмай тўрт бўлган кўзлар бор,
Ўзинг бошқачасан, баҳорим.

Сулувим, сен келар чоғингдан,
Боғлар тақар ойбалдоғингдан,
Битта ўпай, қизғалдоғингдан,
Ўзинг бошқачасан, баҳорим.

Соғинганим — биринчи марта,
Ёмон сездим биринчи мартда,
Билмадим ким нима дардда,
Ўзинг бошқачасан, баҳорим.

Ғаниматим, тўқсон бир кунлик,
Капалакдай шўхсан бир кунлик,
Улфатим бўл, шахсан бир кунлик,
Ўзинг бошқачасан, баҳорим.

Қаҳратонда музларга тўлиб,
Туғилдим не ҳисларга тўлиб,
Жоним берай юзларга тўлиб,
Ўзинг бошқачасан, баҳорим!

ЗАНГИОТА туманида "Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз" шиори остидаги байрам тадбирлари карнай-сурнай садолари билан бошланди. Туман марказидаги боғда ташкил этилган сайилда байрам дастурхонидан баҳорий таомлар жой олди. Ёшлар ўртасида аркон тортиш, "қараб теп", кураш мусобақалари ўтказилди.



БЕКОБОД шаҳридаги байрам тантаналари "Ёшлар боғи"да бўлиб ўтди. Мактаб ўқувчиларининг қўл меҳнати билан тайёрланган турли буюмлар, миллий ўйинчоқлар, каштаю расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

Ранго-ранг варраклар осмонни тўлдирди.

ОҲАНГАРОН туманидаги Наврўз сайлида кўнгли-очар тадбирлар, кўргазмали чиқишлар ташкил этилди. Таниқли санъаткорлар ва туман маданият бўлими ёшлари иштирокидаги концерт дастури барчага байрам кайфиятини улашди.



ЧИНОЗ туманидаги Марказий ўйингоҳ байрам тантаналарига мос тарзда безатилди. Дошқозонларда сумалак тайёрланиб, палов дамланди. Наврўз сайли муסיқий чиқишларга уланиб кетди. Концерт дастурида янграган куй-қўшиқлар йиғилганларни рақсга чорлади.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ туманининг Янгибозор ҳудудидаги марказий ўйингоҳда ўтказилган байрам сайлига кизгин тайёргарлик кўрилди. Сайилда кўғирчоқ театри жамоаси томонидан спектакль намойиш этилди. Шунингдек, дор ўйинлари, кураш мусобақалари ўтказилди. Болажонлар ижросидаги қувноқ рақслар йиғилганларга завқ бағишлади.



Хўб ажойиб юртимиз бор...

Юртимизда Наврўзи олам шукуҳи кезиб юрибди. Диёримизнинг турли ҳудудларида байрам шодиёналари аллақачон бошланган. Қуйида миллий қадриятларимиз ифодаси бўлган Наврўз байрами қаерда, қандай нишонланиши ҳақида тўхталамиз.

Тошкент вилоятида байрам шодиёналари тоғли Оҳангарон, Ангрен, Олмалик ҳудудларида кончиларни улғувовчи қўшиқлар билан бошланади. Воҳанинг барча ҳудудларидаги сумалак сайилларида уйғониш рамзи бўлган бойчечакни кутиб олиш маросими ўтказилади.



Шўнги кўнгат экингдан бошлайлик!

**Оила қурмоқчи
бўлган ёшлар,
сиз бунга
нима дейсиз?**

6

Қарор ва ижро



ТОМОРҚА ТОМНИНГ ОРҚАСИ ЭМАС...

Президентимизнинг 2024 йил 5 мартда қабул қилинган “Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан жорий йилда экспортбон ва сердаромад экинлар экишга, шунингдек, кичик ишлаб чиқариш ва маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилган туманлар тажрибаси оммалаштирилади.



Шуни алоҳида эътиборга олиб, Пискент туманининг “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини томорқачиликда Тошкент вилоятига намуна қилиб олинди.

Бу ҳақда “Пискент туманида аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш” бўйича ўтказилган амалий семинарда келишилди.

Унда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигидаги бир гуруҳ фаоллар иштирок этиб, маҳаллада томорқадан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кўздан кечиришди.

Мазкур маҳалла помидор етиштиришга ихтисослашган бўлиб, бу борада муайян тажриба тўпланган. Маҳалладаги 518 та хонадонда жами 77 гектар томорқа мавжуд.

Аҳоли йил давомида турли сабзавот маҳсулотлари етиштиришдан яхши-

гина даромад олади. Аммо, афсуски, томорқасидан унумли фойдаланмаётган, ҳайҳотдек ернинг умрини бесамар ўтказиб, боқимандалик қилаётганлар ҳам бор. Бу каби ҳолатлар шу жойнинг ўзида танқидий таҳлил қилиниб, амалий чоралар кўрилди.

Эндиги масала, экин ерларининг увор бўлишига йўл қўймасликдир, — деди вилоят ҳокими. — Шу кунларда ер оби-тобига келганидан фойдаланиб, кўчатларни бир текис ундириб олиш чораларини кўриш керак. Ҳар бир кун ғанимат. Ундан самарали фойдаланиш лозим. Шунингдек, майдон четлари, кўчаларга мевали ва манзарали дарахтлар экиш каби мавсумий ишларни кечиктирмаслик керак.

Семинарда томорқасини беэтибор ташлаб қўйган оилалар билан ишни самарали ташкил қилиш борасида зарур

вазифалар белгиланди. Биринчи галда маҳалла еттичилиги вакиллари аҳоли билан мунтазам суҳбатлар ўтказиб, томорқачиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар олишга қўмақлашшни ташкил этиши юзасидан топшириқлар берилди.

Шунингдек, семинарда Республика ишчи гуруҳидан бириктирилган масъул вакил, Президент маслаҳатчисининг ўринбосари Қаҳрамон Сариев бажарилиши зарур бўлган ишларга тўхталиб, томорқадан фойдаланиш бўйича бошқа вилоятлар тажрибасини ижобий ўрганиш лозимлигини таъкидлади.

— Асосий мақсадимиз — томорқадан унумли фойдаланилишини йўлга қўйиш, бунинг учун барча зарур ишларни режали ташкиллаштириш, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, қўмақ кўрсатишдир, — дейди Республика ишчи гуруҳи аъзоси Уткир Назаров.

Тадбирда маҳалланинг “Дийдор” кўчаси намунавий кўча этиб белгиланди ва ариқ четларига кўчатлар экилди. Шунингдек, тумандаги 29 та маҳаллада ана шундай намунавий кўчалар ташкил этиш учун мевали ва манзарали кўчатлар тарқатилди.

Жойларда шу каби ўрганиш ва амалий семинарлар давом этмоқда.

Нигора УРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири

Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ” филиали жамоаси халқимизни

Наврўз айёми

**билан табриклар, хонадонларига
қут-барак, оилаларига
хотиржамлик тилайди!**

**Юртимиз тинч, хонадонларимиз
файзли бўлсин!**

**Баҳорий кайфият йил давомида
сизни тарк этмасин!**



Хўб ажойиб юртимиз бор...

Водий вилоятларида Наврўз байрами халқ сайиллари, дорбозларнинг томошалари, миллий ўйинлар мусобақалари билан бошланади. Кураш, тош кўтариш, арқон тортиш, варрақлар сайли, халқ амалий санъати — фольклор намуналари байрамнинг кўрки ҳисобланади.

Қаشقадарё ҳудудларида сайиллар кенг далаларда ўтказилади. (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

лади. Майсалар устига дастурхонлар тузалиб, дарвешоналар ўтказилади. Унда хотин-қизлар, эркаклар, болалар алоҳида-алоҳида давра куриб ўтиришади. Эркаклар даврасида кўпқураш, улоқ сингари мусобақалар ташкил қилинади.

Бухорода асосий сайиллардан ташқари, 12 ёшдан ўтиб, 13 ёшга қадам қўйган болаларнинг мучал маросимлари ўтказилади.

Бу йил кўй йилида туғилган ўғил-қизларнинг мучали нишонланади. Мучали нишонланаётган қиз ва ўғил болаларга Наврўз тонгида бошдан-оёқ оқ сарпо кийдирилади.

Сурхондарё кенгликларида ҳам Наврўзда турли сайиллар ва улоқ-қўпқари мусобақалари ўтказилади. Дошқозонларда ош дамланади, элга тортилади.

“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Ўткир ҲОШИМОВ тайёрлади

Тўртта тиббиёт пунктига янги мақом берилди

Қибрай туманида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада қулайлаштириш мақсадида 4 та тиббиёт пунктига янги мақом берилди.

Тўхфа



Хусусан, “Ёнариқ” маҳалласида жойлашган “Маданият” оилавий шифокорлик пункти бугунги кунда 16 минг 700 нафардан ортик аҳолига малакали хизмат кўрсатиб келмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда ушбу шифокорлик пунктига оилавий поликлиника мақоми берилди.

— Эндилдикда фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиш имконияти янада кенгайтирилади, — дейди поликлиника бош шифокори Зарофат Мусаева. — Муассасамиз барча зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Бугунги кунда поликлиникада 60 дан ортик тиббиёт ходимлари фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг 6 нафари олий тоифали шифокорлар. Яна қўшимча стоматолог, жарроҳ, УТТ шифокори бўйича ставка берилди. Энди аҳолининг сарсон бўлиб, бошқа ҳудудларга шифокор излаб боришига ҳожат қолмади.

Шунингдек, “Кўприкбоши” маҳалласида жойлашган, шу вақтга қадар 24-оилавий поликлиника филиали сифатида фаолият юритган, бироқ маълум сабабларга кўра, 2 йилдан бери ишламаётган муассаса бугун “Қизил кўприк”

оилавий шифокорлик пункти бўлиб қайта тикланди. Шу вақтгача маҳаллага энг яқин бўлган тиббиёт бирлашмаси 10 чақиримдан узоқроқда жойлашган эди ва у ерга қатнаш одамларга қийинчилик туғдирарди.

— Ҳозирда шифокорлик пунктида 3 та бригада ташкил этилган, — дейди бўлим мудираси Гулноз Деҳқонова. — Улар “Нуробод” ва “Кўприкбоши” маҳаллаларидаги 6 мингдан ортик фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиши режалаштирилган. Муассасада эмлаш, кундузги шифохона, муолажа ва лаборатория хоналари фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, лаборатория замонавий жиҳозланган бўлиб, қон таҳлиллари натижалари қисқа фурсатда текшириб берилди.

“Узумзор” маҳалласида жойлашган 28-оилавий поликлиника таркибида фаолият юритган Ибн Сино филиалига ҳам оилавий шифокорлик пункти мақоми берилди.

— Бу кунни узоқ кутдик, — дейди муассаса бош шифокори Мухлиса Саидалиева. — Маҳалла аҳли қарийб 7 йилдан бери тиббиёт пункти излаб сарсон бўлиб

юрганди. Бу ерга энг яқин тиббиёт муассасаси 15 чақирим узоқда, тез ёрдам етиб келиши ҳам имконсиз эди. Мазкур оилавий шифокорлик пунктининг қайта тикланиши ортидан кўп муаммолар ҳал бўлди. Бундан аҳоли жуда хурсанд.

Ушбу шифокорлик пункти ҳам зарур тиббий анжомлар билан таъминланган бўлиб, 3 та бригада 6 минг 600 дан ортик фуқарога тиббий хизмат кўрсатиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, “Дўрмон” маҳалласида жойлашган, 2017 йилда кўп тармоқли марказий поликлиника филиалига айлантирилган, кейинчалик фаолият тўхтаб қолган муассасага ҳам оилавий шифокорлик пункти мақоми берилди.

Шундай қилиб, эндилдикда туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 7 та оилавий поликлиника, 7 та оилавий шифокорлик пункти 175 минг 383 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

Сўхробжон САДИРОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган суратлар

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

акциядорлик жамияти жамоаси халқимизни

*Наврўзи олами
билан муборакбод
этади!*

*Баҳорий кайфият, эртанги кунга ишонч ва
эзгу ниятлар доимий халроҳиниш бўлсин!*

“НАВРЎЗ” бошқа миллатларда қандай нишонланади?

Наврўз инсониятнинг энг қадимий байрамларидан бири бўлиб, бир неча минг йиллардан бери ўзбекнинг ўзлигини намён этиб келаётган қадриятидир. Наврўз бугунга қадар инсонийлик, меҳр-мурувват, меҳнатсеварлик, сабр-тоқат каби қадриятларни намён этган ҳолда нишонланади.



“Наврўз” байрами 21 мартдан бошланиб бир неча кунлаб давом этган. 2009 йилнинг 30 сентябрь кунин Наврўз UNESCO томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган ва бу қарор Ташилотнинг номоддий меросни сақлаш ҳукуматлараро қўмитасининг 24 нафар аъзоси томонидан тасдиқланган. 2010 йилнинг 19 февраль кунин БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессияси 21 мартни “Халқаро Наврўз кунин” сифатида нишонлаш тўғрисидаги қарорни бир овоздан қабул қилди. Шу тариқа, Наврўз бирор бир миллат ёки маданиятнинг байрами сифатида эмас, балки бутун инсоният меросининг бир қисми сифатида нишонланиб келинмоқда.

Баъзи давлатларда бу байрам расмий таққиқ ва ман қилишлардан омон қолган, асраб келинган бир анъана саналади. Заминга баҳор келиши билан барча юртларда миллий байрам ва анъаналар бошланади. Чунки дунё халқларининг ҳар бирида кўклам фасли ва янги йилга бағишланган анъанаю расм-русумлар бор. Уларнинг барчаси ўзига хос ва жозибали. Жумладан, **Хитойда** янги йил айёми январь ойи охири февраль ойи бошларига тўғри келади. Янги йилни нишонлаш “уй тозалаш”дан, эскирган буюмларни чиқариб ташлашдан бошланади. Бу қадимий юртада янги йил тананалари “Chun jce” – баҳор байрамига уланиб кетади.

Наврўз шамсий янги йилнинг бошланиши ҳисобланиб, тарихи минглаб йилларга бориб тақалади. Наврўзни нишонлайдиган ҳар бир мамлакатда ўзига хос анъаналар мавжуд.

Эрамиздан аввалги иккинчи асрдан бери нишонланиб келинаётган “Chun jce” байрамининг мазмун-моҳияти, яъни хонадонларда меҳмон қутиши, меҳмонга бориши, қарияларни зиёрат қилиши, болаларни хурсанд қилиши, деҳқончилик ишларига киришиш одатлари худди бизнинг Наврўз удувларини аниқлатади.

Эрон ва Афғонистонда бу “хафт син”, яъни “с” ҳарфидан бошланадиган етти хил ноз-неъмат – олма (сиб), ундирилган дон (сабзе), сирка (серке), жийда (сенжет), танга (сежке), саримсоқ пиёз (сир), сумалак (саману) дастурхонга қўйилади. Олма – гузаллик, ундирилган дон – уйғониш, яшариш, сирка – узоқ умр, сабр-бардош, жийда – севги-мухаббат, танга – бойлик ва фаровонлик, саримсоқ пиёз – саломатлик, сумалак – тўқчилик рамзи ҳисобланган. Афғонистоннинг Мозори Шарифда ҳазрат Али мақбарасида “Жанда Боло” маросими минглаб кишилар йиғилади.

Эрамиздан аввалги иккинчи асрдан бери нишонланиб келинаётган “Chun jce” байрамининг мазмун-моҳияти, яъни хонадонларда меҳмон қутиши, меҳмонга бориши, қарияларни зиёрат қилиши, болаларни хурсанд қилиши, деҳқончилик ишларига киришиш одатлари худди бизнинг Наврўз удувларини аниқлатади.

Туркияда инсонлар ушбу кунда биринчи ким билан кўриша ёки қайси бир буюм ва таомга кузи тушса, йил давомида ана шулар унинг ҳамроҳи бўлишига ишонади. Шу боис ҳам бу ерда Наврўз кунин одамлар ўз уйлари ва либосларини эзгу ниятлар билан бахт, соғлиқ, бойлик саналган рамзий нарсалар билан безатишади.

Тинч океанидаги бир қатор ороллардан иборат **Фиджи мамлакатид**а қишдан баҳорга ўтиш кескин билинмайди. Денгиз хавоси доим муътадилликни сақлаб туради. Бироқ Фиджи гулининг очилиши баҳор келганидан дарак беради. Аҳоли баҳорни алқаб, турли тадбирлар ўтказиб боради.

Қозғистонда Наврўз байрамининг муносабати билан дастурхонга ўзига хос байрам таоми – “наурыз кеже” (наврўз гўжаси) тортिलाди. У етти тамақ – гўшт, сув, ун, ёғ, дон, туз ва сугдан тайёрланади. Бу таомни тайёрлаш усули турлича: ҳар бир уй бекаси уни ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тайёрлайди.

Кунчиқар мамлакат **Японияда** баҳорнинг дастлабки ҳафтасида “Мота-но секки” – ўрик гули байрами нишонланади. Деҳқонлар шу кунин бир-бирларини баҳор айёми бошланиши билан қутлаб, далага чиқадилар. Японияда ўрик гуллаши нафосат ва баҳорий гузалликка қиёсланади.

Туркияда инсонлар ушбу кунда биринчи ким билан кўриша ёки қайси бир буюм ва таомга кузи тушса, йил давомида ана шулар унинг ҳамроҳи бўлишига ишонади. Шу боис ҳам бу ерда Наврўз кунин одамлар ўз уйлари ва либосларини эзгу ниятлар билан бахт, соғлиқ, бойлик саналган рамзий нарсалар билан безатишади.

Таиланднинг Чиангмай шаҳрида ҳар йили февраль ойининг биринчи жумасида “Гуллар сайри” маросими бошланади. Бу маросим юрта баҳор келганлигидан далолат бўлиб, икки кун ичда бутун мамлакатга ёйилади. Мамлакат кўчалари қўлларидан анвойи гуллар тутган ва башанг кийинган ёш-қари билан гавжумлашади. Ёш-кексаларнинг бир-бирларига гул тақдим этиб, қутлашлари баҳор рамзидир.

Наврўз шарқ халқларининг сеvimли ва бош байрамининг ҳисобланади. Жумладан, **Озарбайжонда** ҳам Наврўз кенг нишонланади. Байрамнинг биринчи кунин одамлар дарё ёки булоққа бориб, унинг сувини бир-бирларига сепадилар. Озарбайжонликлар сувни поклик ва тозалик рамзи сифатида кўришади. Шу тариқа, улар янги йилда бир-бирларига бахт-саодат тилайдилар, бир-бирларини ширинликлар билан меҳмон қиладилар. Наврўз кунин албатта ширинлик истеъмол қилиш уларнинг азалий одати ҳисобланади. Марказий Осиё халқлари Наврўзни деярли бир хил қутиб оладилар.

Руминия ва Молдова мамлакатларида баҳорнинг илк кунинда “Мерцишор” тантанаси бўлиб ўтади. Шу кунин одамлар бир-бирларига оқ ва қизил дастурмоллар тақдим этади. Дастурмол олган кишилар уни бир ой авайлаб сақлаб юриб, 1 апрелда даракхга илиб қўядилар. Бу – баҳор даракхисидир. Баҳорнинг асосий тадбирлари шундан сўнг бошланади.

Скандинавия халқлари баҳорни Май ойида қутиб олишади. Тарихий анъанага кўра, денгизчи ва уй бекаси кўринишида кийинган бир гуруҳ йигит-қизлар денгиз ёки ўрмон четига катта гулхан ёқиб, унинг атрофида шўх рақслар тушиб, баҳорни қутиб оладилар. Шундан сўнг аҳоли масканларида кўклам фасли тадбирлари авж олади.

С. САДИРОВ тайёрлади

ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕТАКРОР ҚАДРИЯТИ



Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам Наврўз умумхалқ байрами арафасида “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

■ Ҳашар – элга ярашар

Барча туман-шаҳарлардаги 1 минг 25 та маҳалла, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар ҳамда болалар майдончалари уюшқоқлик билан тартибга келтирилди. Барча тураржой мавзелари ва кўчалар атрофида мевали-манзарали даракх ва гул кўчатлари экилди, даракхлар

оқланиб, буталди. Тўпланган чиқиндилар махсус жойларга юборилди. Мазкур ишларда 300 минг нафардан зиёд аҳоли қатнашди. Хусусан, Ўрта Чирчиқ туманининг “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғинидаги кенг кўламли ободонлаштириш ишларида 700 нафар

си Илҳом Ибодов. – Ўз худудимизнинг озодалигига ҳиссамизни қўшдик. Шунингдек, баҳор фаслининг гузал айёми – Наврўз байрамини кўтаринки кайфиятда нишонлашга тайёргарлик кўряпмиз. Қолаверса,

Рамазон ойида кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинмоқда. Қибрай туманида жам бўлган ёшлар ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиши.

Жойларда бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Абдулазиз МУСАЕВ



Бекобод фольклорининг ДОНГИ ЧИҚДИ

Ўзбек халқининг тарихини келажак билан боғловчи меросимиздан бири – фольклор санъатидир. Азал-азалдан юртимизнинг турли ҳудудларида халқ оғзаки ижоди намуналарини куйлаб келувчи гуруҳлар ва сулолалар бўлган.



Эътибор

ассамблеяси 25-сессиясининг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари жамоамизнинг чиқишини кўриб, хурсанд бўлиб алқадилар. "Ана фольклор, ана миллийлик, барака топинглар", дея мутасаддиларга жамоамизни янада ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш учун 10 миллиард сўм маблағ ажратиш бўйича топшириқ бердилар. Ушанда ҳайрат ва ҳаяжондан жамоамиз аъзоларининг кўзига ёш келганди. Қайтиб келганимизда буни эшитганларнинг айримлари ишонимдади. Орадан 1-2 кун ўтиб, мутасаддилар келиб, маблағни ҳисобимизга ўтказиб беришди. Ҳозирда сахнага чиқишимиз учун неки керак бўлса, барчасини оляимиз. Илгари транспорт муаммоси жуда қийнарди. Ажратилган маблағдан микроавтобус харид қилдик. Маош ҳам бериладиган бўлди. Шунингдек, жамоага фольклор мактаби ташкил этиш учун 3 та хона ажратилди. Энг муҳими, кундан кунга фольклор санъатига қизиқувчилар кўпайиб, сафимиз кенгайяпти. Президентимизнинг бизга билдирган ишончларини оқлаш учун бор кучимиз билан ижод қиляпмиз.

Таниқли журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Гулчехра Умарова шундай дейди:

– Ўзбек халқининг асл қадриятларини кўрсатиб берувчи санъатимиз – фольклор жамоалари асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган алла, достон, лапар, куй-қўшиқ ва марсияларни аводларга етказиб беради. Маълум бир ҳудуднинг фольклор жамоаси ижросидаги куй-қўшиқларни эшитган ва кўрган инсонда беихтиёр ўша жой ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Энг муҳими, улар ижросидаги куй-қўшиқ, театрлаштирилган томошаларнинг барчаси жонли ва табиий.

Бекобод туманида фаолият юритиб келаётган "Нилуфар" фольклор-этнографик гуруҳи миллий термалар, халқ қўшиқларини жамлаб, ижро этишади. Улар орасида қўллаб-қувватловчи асарлар ҳам бор.

– Сўнгги йилларда меҳнатимиз қадр топаётганидан бениҳоя хурсандимиз, – дейди жамоа раҳбари Ўғилрой Холматов. – Авваллари гуруҳда уч-тўрт аёл бор эди, ҳоло, фаолиятимиз ҳеч кимни қизиқтирмади. Бирор ташкилотдан нимадир сўрашга ийманардик. Аммо доим халқ хизматиға тайёр бўлганмиз. Байрам ва тадбирларда, дала меҳнаткашлари билан учрашувларда одамларни,

халқни хурсанд қилиш, кайфият бағишлаш учун мудом ҳаракатда бўлдик. Моддий аҳволимиз но-чорлигини билишсада, ҳеч бир ташкилот ёрдам қилмасди. Ҳатто, жамоамизнинг номи ҳам йўқ эди. Бироқ, сахнага чиққанимизда одамларнинг юзидан шодликни кўрганда барча қийинчиликлар унутиларди.

Сўнгги йилларда фольклор санъатига қаратилаётган эътибор туфайли 2019 йилда "Нилуфар" фольклор-этнографик гуруҳи с и ф а т и д а рўйхатдан ўтдик. 2022

йилда бир тадбирдаги ижромимиз билан вилоятимиз ҳокими Зойир Мирзаевнинг назарига тушдик. Бизнинг аҳволимиз билан қизиқиб, моддий-техник базамизни

яхшилаш учун ўттиз миллион сўм ажратдилар. Ушанда жамоамиз билан вилоят раҳбарининг эътиборидан жуда хурсанд бўлганмиз.

2023 йил 16 октябрда эса Самарқанд шаҳрида ўтган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юртимизда фольклор санъатига катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор. Зеро, бугунги кунда мураккаблашиб кетган санъат турларининг кўпчилиги аслида халқ оғзаки ижоди намуналарини ижро этиш жараёнида пайдо бўлган, шаклланган, ривож топган ва кейинчалик ўзига хос санъат турига айланган десак, у қадар катта хатога йўл қўймаймиз. Зикрилла МАМАТОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири



Дармонга бой суналак, Базордан берар дарак.

TOSHKENT SUV TA'MINOTI" масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртимиз аҳлини

Наврўз байрами

билан муборакбод этади!
НАВРЎЗИ ОЛАМ ўзининг
файзли қадамлари билан
ҳар бир оилага фаровонлик,
тинчлик-осойишталик, бахту
иқбол олиб келсин!



Анжуман

Эзгулик – шиоримиз,
маърифат – қуролимиз!

Паркент туманидаги Заркент ижод уйида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан "Эзгулик – шиоримиз, маърифат – қуролимиз!" шиори остида ижодий анжуман ўтказилди.

Унда бир гуруҳ ёш ижодкорлар иштирок этишди. Маълумки, бугунги кунда миллий адабиётимизга ўз сўзи ва ўз овозига эга бўлган истеъдодли ёшлар дадил кириб келмоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижодини тўғри йўналтиришда турли адабий лойиҳалар, семинарларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Икки кун давом этган

анжуман доирасида ёш шoirлар "Гулхан атрофида" номи мушоирада ҳам иштирок этишди. Оқшомда Заркент ижод уйида ҳордик чиқараётган нурунийлар билан самимий суҳбат ташкил этилди.

Анжуманда ёш ижодкорлар ҳамда иштирокчиларга Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган китоблар тўхфа этилди.

ЎЗА



Бизга ёздилар

Бугунги кунда барча газеталар олдидан турган муаммо – обуна масаласидир. Таҳририятларни қийнаётган вазият ҳар биримиз, айниқса, ижодкорлар учун оғриқли. Чунки ижодкорни халққа газеталар танитади.

ГАЗЕТАДАН МИННАТДОРМАН

Бугунги кунда одамлар газета муталаасидан кўра интернет сайтларидаги хабарларни ўқишни афзал кўрмоқда. Тан олиш керак, интернет газеталар учун кучли рақибга айланди. Тезкорлик, янгиликни бир зумда етказишда интернетнинг олдига тушадигани йўқ. Лекин газетанинг устунлик томонлари ҳам бор. Бу ҳақиқатни ёзиш масъулияти. Интернетдаги маълумотларнинг тўғрилиги га ҳеч ким кафолат бермайди. Бироқ газетада ёритилган ҳар бир мисра тарихда қолади, унда ёлгон маълумот берилмайди.

Мен ҳам бир ижодкор сифатида кўп уйладим. Ҳозирда фаолият олиб бораётган газеталарга обуна бўлиб, соҳа ривожига ўз ҳиссамни қўишимиз мақсад қилдим ва "Тошкент ҳақиқати", "Ташкентская правда" газеталарида тўхтадим. Нима сабабдан?

Биринчидан, ўзим пойтахтда яшасамда, Тошкент вилояти мен учун қадрли. Бу воҳада боболаримнинг ҳоклари бор, ҳар бурчагида кўз нурлари қотган. Шу сабабдан ҳаммаша пойтахт вилоятидаги воқеалардан бохабар бўлиб туришни истайман.



Албатта, энг ишончли ахборотларни вилоятнинг бош наشريдан олишим мумкин.

Иккинчидан, газета фақат вилоят ҳудуди билан чекланиб қолмай, юртимиздаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисалардан газетхонни ўз вақтида хабардор қилади. Шунингдек, хорижий ижодкорларнинг таржима асарларини чоп этиб боради.

Яна бир гап. Менга кўп йиллар Тошкент вилоятида маъсул лавозимларда самарали ишлаган, раҳматли бобом Абдулҳаққон Тоировни ҳаётлик пайтларида кўриш насиб қилмаган. "Тошкент ҳақиқати"да чоп этилган мақола орқали шажарамизни яқиндан танидим, бобомга бўлган ҳурматим ошди. Буни ҳеч унутмайман.

Шунингдек, "Тошкент ҳақиқати"да тез-тез мақолаларим чоп этилгани учун ҳам газетга меҳрим тушган. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси бўлишимда ҳам газетанинг катта ҳиссаси бор. Бунинг учун таҳририятдан миннатдорман.

Алишер ТОИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

ВИРТУАЛ БОЛАЛИК: ХАЛҚ УЙИНЛАРИ КИМГА ҚОЛДИ?

Миллий ўйинлар тарихига ҳеч қизиққанмисиз? Уларнинг дастлабки намуналари Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Кайковуснинг “Қобуснома” ва Алишер Навоий асарларида ҳам келтирилганини биласизми?

Мисол учун, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида 150 га яқин миллий ўйинлар ва 20 дан ортиқ болалар ўйини тавсиф қилинган. Жумладан, “қоранғуни” (қоронғида қўрғон олиш), “бандол” (асир олиш), “ўтиш-ўтиш” (давра ўйини), “чавгон” (тўп ўйини), “ўт бандол” (таёқ ўйини), қиличбозлик, найзадорлик ҳақида маълумот берилади. Мавсумий “топбаргак”, “гул ўйини”, “қорхат”, “ёмғир ёғалоқ”, “топишмоқ топ”, “тез айтиш”, “ким айтди” ҳам шулар жумласидан.



Ўғил болалар “Чиллак”, “Тортишмачок”ни яхши кўрса, қизлар “Супур-супур”, “Оқ теракми, кўк терак?”, “Ҳалпак тош” кабиларга қизиққан. Ўйинларга эътибор берсангиз, ҳаммаси ҳам ҳаракатдан ёки

жисмоний ва ақлий меҳнатдан иборат. Вақт ўтиши билан бу ҳаракатлар тақомиллашиб борган. “Тош кўтариш”, “От устида кураш”, “Кўлқари”, “Ланка”, “Арқон тортиш”, “Чиллак” ва бошқа шу каби халқ

ўйинлари ёшларнинг сеvimли машғулоти ва мусобақаларига айланган.

Кейинги вақтда ёшлар, умуман, аҳоли ўртасида халқ ўйинлари ва миллий спорт турларига эътибор ошмоқда. Айниқса, Наврўз байрами арафасида арқон тортиш, кураш, тош кўтариш, улоқ-кўпқари мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Аммо аксарият халқ ўйинларининг фақат Наврўз байрамларида ўйнашнинг одат тусига айланаётгани кўнгилни хира қилади. Яна бир жиҳати, сўнгги вақтларда болаларнинг кўча чангитиб ўйнашлари гаджетларга “кўчди”. Шу сабаб миллий ўйинлар тарихига айланиб қолмоқда. Қуйида баъзи бир миллий ўйинлар билан таништирамиз:

“ҒИРБОЙДИ”

Бу ўйинда икки бола беллашади. Ўртага доира чизилади. Доира ўртасига ўйинчилардан бирининг қалпоғи қўйилади. Иккинчи ўйинчи 20 кадамлар чамаси узокликдан туриб чилликнинг энасопи билан қалпоқни уриб доирадан чиқариши керак. Ёки қалпоғига неча марта тегса, шунча марта очко йиғиши керак. Тегмаса, навбат иккинчи ўйинчига берилади. Ўтган киши қалпоқни қирра ликочадай қатлаб, беш марта иргитади. Бешинчи марта иргитганда қалпоқ қаерга бориб тушса, ютказган ўйинчи ўша жойдан то пойга жойигача зувиллаб бо-

риб келиши керак. Ўйин яна бошдан бошланади ва шу тартибда давом этади.

“ЧОРПҶОҚ”

Бу ёнғоқ билан ўйналадиган ўйин бўлиб, у болаларни ҳисоб-китобга, аниқ мўлжал олишга, иноқлик ва иттифоқлик, ютса ҳам ютқазса ҳам, мардлик кўрсатишга ўргатади. Ўйин асосида осойишталик, саранжомлик ётади. Бу ўғил ва қиз болалар ўйини бўлиб, унда икки ёки ундан ортиқ киши қатнашади. Ҳар бир ўйинчи ўрик данаги ёки ёнғоқ уюмларига эга бўлади. Уларнинг иккитасини қақиб, икки палла пўчоғини олади. Ўйин қуроли ана шундай пўчоқ ҳисобланади.

Ютқука иккитадан данак ёки ёнғоқ қўйилади. Ўйин барча ўйинчилар келишуви асосида бошланади. Биринчи ўйинчи пўчоқларни ерга ташлайди. Ерга пўчоқларнинг ҳаммаси ёки иккитаси ёпиқ ҳолатда тушса, ўйинчи ютган ҳисобланади ва ютганига иккинчи ўйинчидан икки данак ёки ёнғоқ олади. Ўйинни яна ўзи давом эттиради. Борди-ю, пўчоқларнинг аниқ учтаси ёки биттаси очик ҳолда ерга тушиб қолса, ўйинчи ҳеч қандай ютук ололмайди. Ўйинни эса навбатдаги ўйинчи давом эттиради.

“ХЕЗЗОВ”

Қувлашмачокқа ўхшаш ўйин. Унда бир бола югуради, иккинчиси унинг изидан кувади. Агар қувиб ета олмаса хапачак бўлиб чопади. Хапачак деб бир оёғини кўтариб югуришга айтилади.

“ОТМА ТАЁҚ”

Бу ўйин иккитадан бўлиб ўйналади. Бир бола таёқни отади, иккинчи бола ўз таёғи-

ни отиб, олдинги отилган таёққа теккизиши керак. Таёғи тегмаган бола олдинги отилган таёқнинг эгасини таёқ тушган жойгача кўтариб боради. Агар тегса, болалар ўрин алмашишади. Таёқ навбатма-навбат отилади.

“ГУЛЧАМБАР”

Бу ўйин баҳорнинг айни гуллар очилган пайтида ўйналади. Ўйинда 10-15 бола иштирок этади. Қатнашчиларнинг ҳар бирининг қўлида қатнашчиларнинг турли-туман гул бўлиши мумкин. Ўйинбоши доира шаклида турган болаларнинг ўртасига чиқиб, бир гулнинг номини айтади. Шу гулни ушлаб турган иштирокчи гулнинг ўсиш шароити ҳақида гапириб беради.

Бу ўйин болаларда табиатга меҳр уйғотиш, қолаверса, сўзларни тўғри талаффуз қилиш, кўпчилик орасида ўз фикрини айта олиш қobiliyatини шакллантиради.

“ДИМ-ДИМ”

Бу ўйинда болалар гапирмай жим туришади. Ўйинчилардан чидамлик, кучлик ва ирода талаб этилади. Болалар 2 гуруҳга бўлиниб, уларга бир нафар боши сайлашади. Бошичилар қайси гуруҳ гўлиб бўлса, бирор шарт бажаришига келишишади.

Шундан кейин гулдур-гуп дейилади ва ҳеч ким гапирмаслиги керак. Бир гуруҳ рақиб гуруҳни гапиртириш учун турли ҳаракатлар бажаради. Кимдир баландликдан сакрайди, кимдир ўзини сувга ташлайди. Қайси гуруҳ болалари биринчи гапирса, ўша гуруҳ мағлуб ҳисобланади.

Н. АРСЛОНОВА
тайёрлади

■ Байрам табассуми

Яқинда лолаариклик шоир, илм қудғини рангли қалам билан кавлаган камтар олим Мурод Тошмирзо Эҳ Ёр сўққаболлар суйган кўрсатув меҳмони бўлди. “Ёр-ёр” бошловчилари бу ерга ўзига мос илҳомлари излаб келган шоирдан нафақат шеърлар тинглашди, балки хотин ва унинг турлари ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Телебошловчи Муҳаббатхон кўрсатувга келган меҳмон – телеминутрадаги Жўки шоирга ўхшаб кетадиган ўрта ёшлардаги йигитга сўз берган, шундай деди:

– Мумкин бўлса, аввало шахсий ҳаётингиз ҳақида бироз гапирсангиз...

– Хўп, опахон, – деди ўзини шоир Мурод Тошмирзо Эҳ Ёр деб таништирган меҳмон. – Унда бир “лирик чекиниш” қилсак. Опа, мен оддий ижодкор йигитман. Армияда хизмат қилаётган пайтларим бир қиз менга бевафолик қилган. “Думбул” вақтим ўтиб “дембел” пайтим келгунча сабр қилолмаган. Оқолларда қийналиб ёзган хатларимни унга етказиб турган почтачи бола – ҳозир унинг эри. Шундан кейин “Совхоз ҳақиқати” газетасида айрилик ҳақида учта даҳшатли шеър чиқардим. Ёзганларим қишлоқда шов-шув бўлиб кетган, оддий аскар формаси остида яшириниб ётган шунча истеъдод увол бўлмасин дедим-да, хизматдан сўнг ҳужжатларимни шартта журналистикага топширдим. Уқийшга учинчи йил ҳам қиролмагач, ноҳақлик ҳақида шеърлар ёза бошладим. Кейин ота касб – тракторчилик қилдим. Аммо ижодни ўша темир жўрам устида ҳам тўхтатгим келмасди. Ўша йиллари “Лолаарик” маҳалласидаги Лола деган қизни ёқтириб қолиб, унга атаб ҳам назмий усулда изҳори дил қилганман. У тахминан шу маънода эди:

Ошиқ йиғит уйинг ортин ағород қилди,
Уни Мурод тракторда “наварот” қилди...

Биласиз, Навоийдан кейин аруз вазнида унча-мунча одам ёзолган эмас. Аммо аруз билан тарвузнинг фарқи боролмайдиган туманимизда чиқадиган “Совхоз ҳақиқати” газетаси ходимлари бу гапимни олиб, талантими кўролмай (ўзлари шунчалик ёзолмайдилар!) қуйидагича парода қилишибди:

Ағородни ҳақиқатан ул Мурод қилди,
Ишқни бошлаб, шоирликни лек “парод” қилди.

Шундан кейин “Совхоз ҳақиқати”даги ҳасадўйлар катта ҳазина – мендан айрилиши. Энди тўппидан-тўғри республика газета-журналларига ёзадиган бўлдим. Катта нашрларнинг жамоатчи муҳбири бўлиш баробарида илмий ишга қаттиқ бел боғладим. Илм қудғини рангли қалам билан кавлаган олим ва шоир сифатида “Хотин ва унинг турлари” деган дастлабки диссертациям дунёга келди. Ишқ-муҳаббат ва ёшларни оилага тайёрлашдек долзарб мавзуларга, хусусан, аёлларга бағишланган бу рисоламни энг нуфузли тахририятларга “газеталарингни 8 март сонларида фойдаланарсизлар” деган ниятда тақдим этсам, улар ҳам... шоир қалбимни тушунишмади...

– Укажон, ижодда қийинчиликларга дуч келган экансиз, буни эшитдик, – суҳбатга аралашди Тўхтамурад ака. – “Ёр-ёр”га асосан турмушдаги муаммолар билан мурожаат қилишади...

Бир “дама”нинг ҳийласи ҚИРҚ “ДАМАС”ГА ЮК

– Тўғри, Тўхтамурад ака. “Ёр-ёр”га бекор келганим йўқ. Икки марта уйланиб, уч марта ажрашганман. Сўзларимни бўлмай, дилмидагиларини сабр билан эшитсанглар, бахтини тополмай юрган бир олим ва шоир учун катта ёрдам берган бўлардинглар.

– Хўп, гапингизни бўлмайми, – деди бошловчи Муҳаббатхон. – Аммо орада саволлар тугилиб қолса-чи?

– Албатта, саволлар бўлса, қаршилиқ йўқ.

– Аг Ёр ака...

– Узр, Эҳ Ёрман...

– Хўп, Эҳ Ёр ака, яқинда олим сифатида диссертация ёзибсиз. Илмий ишингизнинг, айниқса, номланиши оригинал чиқибди: “Хотин ва унинг турлари”. Мени қизиқтиргани, биринчи бетдаги эълон. “Бу рисоланинг келинчак бўладиган қизларга ҳам, қайноналар – силарга ҳам фойдаси бисёр, ўқинг! Бир оиланинг боши, хотиннинг кўрпадоши бўлган эркеклар, кўнглингиз армонда, ақчангиз қармонда қолмасин! Унутманг, қарз узилур, хотун... (ҳақидаги энаси ўлмоғон асар) эса ёнга қолур!” дебсиз. Айтинг-чи, нима учун хотинларни эркекларнинг кўрпадоши дебсиз, ёстиқдоши эмас?

– Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг, опахон, хотин олишни удалаган эркекнинг иккита болиш олишга қурби етмайди-ми? Икки кишининг бир ёстиқда ётиши соғлиққа зарар-ку! (Астма касали борлар, ковидни бошидан ўтказганлар ҳам буни тасдиқлаши мумкин). Ёш келин-куёвлар бошига тушган, чидайди-да ҳалиям. Асаримиз хотин ва унинг турлари ҳақида. Бу саволга жавоб беришдан олдин ортага бир “лирик чекиниш” қилсак. Ҳов, ўша мактаб даврларига. Бизда кўп гапирилади. Ёшларни келажакка тайёрлаш керак, деган гаплар. Лекин биз ўқувчига ҳарф ўргатиш, таълим-тарбия бериш билан чекланиб қоламиз. Уларни оилага ҳам пухта тайёрлаш керак-ку! Масалан, ўзимизнинг мактаб даврларига “Гап деб нима айтилади?”, “Сифат” ёки “Феълга таъриф беринг!” каби савол ва топшириқлар билан роса 10-11 йил бошимизни қотиришган. Аммо бирор марта ўқитувчингиз “Қани айтинг-чи, шоир Тошмирзоев, хотин деб кимга айтилади?” деган саволни берганми? Йўқ. Хотиндан куйган шопирлар орасида “Бир “дама”нинг ҳийласи қирқ “дамас”га юк бўлур”, деган гап юради. Аммо бун-

дай гаплардан беҳабар уйланолиб, қирққа қирмайд сочи оқарганлар камми?

Тўғри, аёлларимизнинг 99 фоизи оқила, узокқа кетадиган хилдан. Бундайларга уйланганларнинг жанжалдан боши чиқмасаям кўша қаришига (тўғрироғи, эрта қаришига) қафолат бор. Бироқ, хотиннинг тилли-жағли-сидан Худо асрасин. Мустахкам оиланинг пойдевори эса мустахкам муҳаббат.

Шоирнинг шу гаплари телебошловчиларнинг юрагига тегдими ёки баҳорнинг таъсирими, хуллас, шундан сўнг даврада севги мавзусида мулоқот бошланиб кетди. Мурод Тошмирзо Эҳ Ёр эса саволларга ярим насрий, ярим назмий усулда жавоб берарди.



– Баҳор илк бор шоирларнинг юрагига келади, – давом эттирди у даврадаги шов-шувлардан ҳаяжонланиб. – Масалан, менинг “Хотинбоз шоирларга” деган шеърим келинчак фаслнинг илк кунни дунёга келган:

Икки маъшуқали бўлар шоирлар,
Бир унга, бир бунга кўнар шоирлар.
Бир кун эгаллайди уни “пулхотин”,
Бир кун Илҳомлари деган “гулхотин”.

Очигини айтганда, ўша “гулхотин” деган маъшукангиз “токсикўз” бўлмагунча “шеър” деган шерлар дунёга келмайди. Севги деган дард кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Устоз-шоиримиз Ғафур Ғуллом ҳам кўчада бир хуриликни кўриб қолганларида беихтиёр шундай сатрларни айтиб юборган эканлар:

Юз қизил, лаблар қизил,
Тирноқ учи ҳам қил-қизил.

Қош қаро, кўзлар қаро,
Ҳеч бўлмасун бахтинг қаро.
Устознинг йўлини берсин, деган ният билан мен ҳам шу йўналишда бир шеър ёздим – “Хозмағда” деган:

“Юз қизил, лаблар қизил,
Ҳожати йўқ сизга маскани.
Эҳ Ёр эса тополмай гарани,
Ҳатто половой қраскани”.

Бу сатрларни жон қулоғи билан тинглаган “Ёр-ёр”чилар Ғафур Ғуллом шеърларига пародалар қилишга шу пайтгача ҳеч бир ижодкорнинг “духи етмаганини” тан олишди. Шундан сўнг “Ёр-ёр”га хотинмас, илҳомлари излаб келган сўққабол шоир устознинг энг машҳур асарларидан илҳомланиб ёзган сатрларини ўқий кетди:

Сен буйдоқ эмасан, алдасам ўлай,
Кўша қари, жигарим, қурбоним бўлай.
Буйдоқлик нелигин бизлардан сўра,
Қийиқ қайрилма қош қизлардан сўра.

Буйдоқлик кунларинг, оҳ у буйдоқлик,
Студент бўлса-чи, у шўринг қурғур,
Вой, бечора жоним, деса арзийди.
Сўйгани бир бора кинога кирса,
Шўрлик йигит уч-тўрт дўстандан қарзийди...

– Муҳаббатхон, кўрсатув янаям таъсирли чиқиши учун маҳалламиздан бир хонанда йигитни олиб келгандим. Жуда истеъдодли. Яқинда туманимиз доим-културасида “Нақд топдим-у, бахт топмадим” деган концерт қўйди. Бу шўрлик ўзини санъатга бағишлагани учун урта хотиниям кетиб қолган. “Ёр-ёр”да чиқиб, бир қўшиқ айтсам, зора бахтим очилиб кетар, деб келган эди...

Кўрсатув сўнгида навбат хонанда Комил Равшанова берилди. Хонада яна аёлларни мадҳ этувчи қўшиқлар янгради:

– Суйганларинг ортиндан гап отиб ҳам бўлди,
Кўролмаслар ганимларга сотиб ҳам бўлди,
Ғурусизлар вуноҳларга ботиб ҳам бўлди,
Хатларим сезиб қолсанг, йўлим тўс, хотин,
Сен барибир яхши дўстсан, яхши дўст, хотин.

“Любой” еида ярашади сенга нозлар ҳам,
Давраларда сени мактаб айтмай “тос”лар ҳам,
Лек тополмай таърифингга гоҳо сўзлар ҳам,
Сен борсану, рўзгорда йўқ ками-кўст, хотин,
Сен барибир яхши дўстсан, яхши дўст, хотин.

Гуллётган гулзоримга чирой бўл энди,
Таътил олсанг, сен ҳам уйда бир ой бўл энди,
Саккиз бола чеарамас, “еерой” бўл энди,
Қувонардим сени кўрсам “токсикўз”, хотин,
Сен барибир яхши дўстсан, яхши дўст, хотин...

Тўхтамурад ҲАСАНБӨЙ

Табиат ва БИЗ

ДУНЁНИ ХАВОТИРГА СОЛАЁТГАН ХАВФ

Экологик муаммолар кун сайин кучайиб бораётган айни дамда табиатга акс таъсир кўрсатаётган муаммоларни бартараф этиш барчамиздан шахсий дахлдорликни чуқур ҳис этган ҳолда уюшқоқлик билан ҳаракат қилишни талаб этади.



дунёда аянчли касалликлардан кўра, хавфли экологик муаммоларнинг пайдо бўлиши барчани кўрқувга солаётгани бор гап. Биргина касаллик миллионлаб одамларнинг умрига заволи бўлиши мумкин, лекин табиатдаги муаммо нафақат бир неча давлатларни, балки бутун бошли ер шарини мавҳ этиш қудратига эга. Экологик муаммолар синтига кирувчи иқлим ўзгариши сайёрамизнинг энг муҳим функцияларининг тиклаб бўлмас даражада ёмонлашувига олиб келди. Иқлим иситиш ортидан океанлар сатҳининг кўтарилиши давом этмоқда. Миллионлаб аҳоли яшайдиган йирик шаҳарлар сув остида қолиши эҳтимоли юқори. Шунингдек, қургўчилик юз берадиган ҳудудларда ёгингарчилик камайиб, янада кўпроқ муаммолар бошланди. Бунинг бевоқиф таъсири ўз ҳудудимизда ҳам кўришимиз мумкин. Мутахассислар йилдан-йилга ёгингарчилик кама-

ҳам унинг ифлосланишига маълум даражада "ҳисса" қўшапмиз-ку?!

Мамлакатимизда экологик муҳитни яхшилаш, сув танқислиги, чиқинди муаммосини бартараф этиш, шунингдек, атмосферани яхшилаш, ўрмонларни кенгайтириш, аҳоли гавжум шаҳарларда яшил белбоғлар ташкил қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳар йили юртимизда миллионлаб дарахтлар экилади. Турли лойиҳалар, дастурлар, шанбаликлар ўтказилади.

Бизнинг минтақада энг самарали йўл бу кўпроқ ва янада кўпроқ дарахт экиш. Чунки республикамизда йилнинг деярли 300 куну қуёшли бўлади. Ёгингарчилик нисбатан кам қузатилади.

Фақат, бир ачинарли ҳижат – экилган кўчатларнинг аҳоли ҳеч кимни қизиқтирмайди. Кўча-кўйда қуриб ётган ёш кўчатларни кўп учратамиз. Тадбиркорлар қурилишни пеш қилиб, бор дарахтларни кесилларига ёки сунъий тарзда зарар етказиларига кўп бора гувоҳ бўлдик.

Табиатга яхши муносабатда бўлайлик. Табиат ҳар қандай муносабатга муносиб жавоб қайтаришини унутмайлик.

Абдурахмон ИСАЕВ, ЎЗЖОКУ талабаси



Сўраган эдингиз

– "Аёллар дафтари"га кирган фуқарога ҳеч қандай кредит олмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун субсидия берилиши мумкинми?

Назира БАКИРОВА Бекобод тумани

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги 252-сон қарорига асосан тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача, хотин-қизларга 10 миллион сўмгача субсидиялар ажратилади.

харид қилиш керак бўладиган асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларининг номи, сура-лаётган субсидия миқдори, тадбиркор сифатида давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтганлиги кўрсатилади. Ариза узоғи 3 кун муддатда қуриб чиқилади.

Хужжатлар тўлиқ тақдим этилган, камчиликлар ёки ёлгон маълумотлар аниқланмаган тақдирда, тегишли меҳнат қуроли далолатнома асосида топширилади.

– Мен эгизак фарзандли бўлдим. Улар учун бола пули қай тартибда тўланади ва миқдори қанча бўлади?

Муқаддас ИСРОИЛОВА Бекобод шаҳри

– Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сон қарори билан тасдиқланган нормаларга тўғри келса, эгизак фарзандларингиздан бири уч ёшга тўлмаганлик нафақаси сифатида 325 минг сўм, ик-

кинчи фарзандингизга эса иккинчи фарзандларга бериладиган миқдорда, яъни 150 минг сўм болалар нафақаси тайинланади. Шунда сизга жами 475 минг сўм болалар нафақаси берилади.

Саволларга Бекобод тумани адлия бўлими Ишон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бўлини маси бош маслаҳатчиси Суннатилло МУСАЕВ жавоб берди.

Инсон табиатнинг бир бўлаги. Уларнинг иккисини айро тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу муносабат бузилса, қандай аянчли оқибатлар юзга келиши мумкинлиги барчага аён.

Жорий йилнинг 30 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида навбатдаги парламент эшитиш бўлиб ўтди. Унда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳақимов «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида атроф-муҳит муҳофазасига доир қатор вазифалар белгиланганини, Ўртбошимиз томонидан сўнгги 2-3 ойда экология соҳасидаги муаммолар ечимига қаратилган қатор қарор ва фармонлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлади.

Йилгилида экологияни асраш борасида энг долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди. Мамлакатимизда 2020 йилдан буён 22 мингта янги санаят корхонаси ишга туширилгани, бугунги кунда санаят корхоналари ва автомобиллар атмосферага йилгига 2 миллион тоннадан зиёд ифлослантирувчи моддалар чиқараётганлиги, кўп ҳолларда қурилиш объектлари ва лойиҳалари экологик экспертизадан ўтказилмасдан амалга оширилаётгани ҳақидаги маълумотлар баён этилди.

Табиий савол туғилади: Хўш, бу каби экологик муаммолар ечимини топиш учун нима қилмоқ керак? Парламент эшитишда бу масалалар бўйича ҳам тегишли кўрсатмалар берилди.

Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб ҳар бир ҳудуднинг ҳаво, сув ва атроф-муҳитни ифлосланиш даражасига қараб тузиладиган рейтингни жорий қилиниши белгиланди. Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоят марказлари ҳамда санаятлашган 20 та туманда автоматик ҳаво мониторинги станцияларини ўрнатишни бошлаш вазифаси қўйилди.

Йирик санаят ва барча цемент корхоналарида замонавий чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилди, эскилари алмаштирилди. Қурилиш материаллари, энергетика, металлургия корхоналари томонидан 5 гектардан «яшил белбоғ» яратилиб, жами 10 миллион туп дарахт экилади.

Кейинги пайтларда юртимизда кўкаламзорлаштиришга жиддий эътибор қаратилляпти. Йўл ёқаларида, фермер ва деҳқон хўжалиқлари, шунингдек, корхона, ташкилот, муассасалар ҳовлиларида мевали ва манзарали дарахтлар, айниқса, арча кўчатлари ва терак қаламчаларини ўтказишга катта аҳамият берилаётгани қувонарли.

Лекин ободонлаштириш мақсадида ўтказилаётган ҳашарлар айрим жойларда номингагина ташкил этилаётгани, ариқларни тартибга келтириш, ҳудудни чиқиндилардан тозалаш ва, айниқса, йўл четларига арча, терак каби манзарали дарахтлар ўтказиш ишлари кўнгилдагидек бажарилмаётгани

ҳам бор гап.

Гувоҳи бўлгандирсиз. Айрим "ҳашарчилар" бундай жойларга бирор фойдали иш қилгани эмас, бир кўлига челақ, бир кўлига белкуракни олиб, шериги ушлаган ниҳолни остига нам тупроқ ташлаётган ҳолатда суратга тушиш учун келишади. Юқорига ҳисобот учун қилинадиган бундай хўжакўрсин ишларнинг қандай натижа бериши эса кундек равшан.

Хўш, айтинг-чи, кўчатни тупроққа қадаб кетаверган билан иш битармиди? Ниҳол бамисоли фарзанддек ардоқланмаса, сидиқидилдан парварши қилинмаса, у сизга қандай мева бериши мумкин? Тан олиш керак, кўпинча шу каби савобли ишларда сидиқидилдан тер тўкишга "тамбири-

миз тортишади". Бу ҳам майли, йўллар четига бошқалар томонидан экилган ниҳолларни гоҳо қорамоллар пайхон қилаётганини кўриб ҳам беписанд ўтиб кетаверамиз. Гўёки бу каби яшилликлар фақат юқоридан келадиган текширувчилар-у мутасадди раҳбарлар учун керакдек. Ахир атрофимизни яшилликка буркак бизга мусаффолик, руҳимизга тетиклик бахш этади-ку! Қишлоқ ва маҳалла ҳудудларидан ўтганда деҳқонларимиз, фермер ва тадбиркорларимиз томонидан ташкил этилаётган теракзорлар, боғу-роғларга кўзингиз тушса қувониб кетасиз! Нима учун шундай? Негаки, янаба турган ниҳоллар оилангизда камол топаётган фарзандлар учун қуриллажак иморатларни, ўғлингизга вафолар ёр бўлишга аҳд қилган келинчак ана шу уйнинг тилло остонасидан қадам қўяётган ҳаяжонли лаҳзаларни ёдингизга солади. Демак, сиз ўтказаятган ниҳоллар озуларингиз ушалиши учун қўйилаётган илк

меvasи болақайларнинг соғлом ва дуркун ўсишларида шифобахш манба эди. Ёзининг иссиқ кунларида зилот сувларда мириқиб чўмилган ўсимирлар ҳар қандай касалликлардан фориғ эдилар. Энди-чи? Ҳар баҳорда канал ва зовурларни тозалаш учун ташкил қилинадиган ҳашарларда аввалгидек ҳам-жиҳатлик йўқ. Қишлоқ кўчаларига фэйз бериб турган ариқлар ҳам бетонлаштирилиб, четларидаги мевали ва манзарали дарахтлар қирқиб олинди. Мисол учун, биз яшаб турган Пискент туманига қўшни Олмалиқ шаҳридаги санаят корхоналари қувурларидан чиқиб, мусаффо осмонимизни булгаётган тўтун бемалол, ҳеч бир тўсиқсиз ўпка-миздан жой олмоқда. Негаки уларни ушлаб қоладиган қалқон – дарахтлар камайиб кетган.

Олий Мажлисда бўлиб ўтган йўғилишда

Тўйини кўрат экишдан бошламайлик!

Оила қурмоқчи бўлган ёшлар, сиз бунга нима дейсиз?



оидим. Улар фарзандларнинг нурли келажаги учун қуриладиган иморатнинг пойдевори.

Жак Кустонинг олам наботот ва ҳайвонот дунёсини илмий асосда ўрганиб чиқиб, қилган ҳулосасида ҳам инсон Аллоҳ яратган бебаҳо неъмат – табиатни кўз қорачиқдай асраб-авайлаб фойдаланмаса, унинг мувозанатини бузса, ўзи учун кечириб бўлмас оқибатларни келтириб чиқаради, дейилган.

– Яшаб турган масканимизга юқоридан туриб назар ташласак, у авваллари дарахтлар билан тўлиқ бурканганлиги аён бўлар эди, – дейди пискентлик фахрий муаллим Ориф ҳожи Обидов. – Илгари ариқлар четларига ўтказилган, осмонларга буй чўзган бақатераклар шаҳримиз ҳавосининг мусаффолигини таъминлар эди. Дарахтларга чирмашиб кетган қоп-қора маймунжонлар

пойтахтимиз экологияси билан боғлиқ долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди. Келгуси беш йил давомида Тошкент шаҳри ва унга туташ Тошкент вилояти туманларида 3 минг гектар "яшил белбоғ" ва 200 гектар "яшил боғлар" ташкил қилинади.

Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичини доимий эълон қилиб борадиган табло ва мониторлар ўрнатилди. Тошкент шаҳри жамоат транспортини электр ва газга ўтказиш, метро вагонлари сонини ошириш чоралари қўрилади. "Яшил энергетика"ни қўллаб-қувватлаш, экологик муаммоларнинг олдини олиш ва зарарли оқибатларни камайитириш мақсадида аҳолини электромобилларга ўтишини рағбатлантириш тизими жорий қилинади.

Энди куйидаги маълумотларга эътиборингизни тортаямиз.

"Тошкентдаги ҳаво сифати аҳоли саломатлигига йилгига 503 та сигарет чекилган-

дек таъсир қилади. Тошкент дунёнинг ҳаво сифати энг ёмон бўлган 20 та шаҳри қаторига киряди".

Ушбу маълумотларни ақл тарозусидан ўтказиб, дўппини бошдан олиб, уйлаб кўрайлик. Табиатни кўтқариб, деб бонг урадиган пайт келмадимми? Қўзларни қувонтирадиган мевазор боғлар-у, осмонга буй чўзган марғур теракларни инсон саломатлигининг баҳоси билан қиёслашнинг ўзи етарли эмасми? Теракларнинг ўрнига янгилисини ўтказмай туриб, кесиб, сотишдан топиладиган фойда йўқотилган соғлиқнинг ўрнини қоплай оладими? Мисол учун, шаҳар ва туманларимизнинг ҳар биринида ўртача 200-300 мингдан аҳоли яшаса, ҳар бир жон учун илгилга бир тупдан кўчат ўтказилса, ошенимиз боғу бўстонларга айланиб кетмайди, деб ким айта олади!

Дарҳақиқат, ҳар биримиз ўз яшаб жойимиз, ишлаётган ташкилот ва корхонамиз атрофини қўқаламзорлаштиришни таъминласак, фермерлар йўл бўйи, ариқ четларига мевали ва манзарали дарахтлар экалар, ундан ким наф қўради? Албатта, биринчи галда унинг ўзи, оила аъзолари.

Азалдан миямизга қуйиб келишган. Бу – мевали, бу – манзарали дарахт, деган гапларни. Шу пайтгача дарахтнинг меваси деганда дастурхонларимизни безайдиган ноз-неъматларни тушуниб келдик. Сир эмас, терак бошқа дарахтлар каби "мева" бермайди. Бу барчага кундек равшан. Аммо терак ўша мевали дарахтлардан ҳам кўра кўпроқ мева беришини ҳар ким ҳам билмайди.

Ота-боболаримиз оилада ўғил туғилса, унга атаб яхши ният билан йилгирма бир донна терак кўчати экиб қўйишган. Бу бежиз эмас. Негаки, бола вояга етгунча ниҳоллар ҳам у каби бақувват тортиб, дарахтларга айланади ва иморат қуришга тайёр туради.

Булар – теракнинг мевалари эмасми? Оилада фарзандлар камол топяптими? Унга атаб бу йил ниҳол ўтказдингизми? Баҳор келди! Бу ишларга ҳали қўл урмаган бўлсангиз, фурсатни бой берманг, биродар!

Оила қурмоқчимиз, икки ёш ишни дарахт экишдан бошлашнинг қандай буларкин?

Вилоятимизда тўйини дарахт экишдан бошлаш ташаббусини илгари сурсак-чи? Ахир жаннатмақом юртимизда йилнинг тўрт фаслида ҳам кўчат экиб, кўкартиришнинг йўли борку!

Яна бир муҳим маълумот: дунёдаги ҳамма инсонларни бир йил икисорол билан таъминлаш учун 76 триллион доллар керак бўлар экан. Дарахтлар эса бу вазифани бепул бажаради.

Тўхтамурод ҲАСАНБОВ



3 минг долларлик скотч билагузук

Дунёга машхур Balenciaga бренди ёпишқок лента (скотч) кўринишидаги билагузукни тақдим этди. Бу ҳақда "Highsnobriety" мода журнали хабар берди.



Қайд этилишича, француз бренди Парижда бўлиб ўтган 2024 йил куз-қиш кўргазмасида ноодатий аксессуарни тақдим этган. Balenciaga ёзуви бўлган ёпишқок скотчдан тайёрланган махсулот жамоатчиликнинг турли хил муносабатига сабаб бўлди.

Маълумотларга қараганда, билагузукнинг нархи 3 минг долларни ташкил қилади. Бироқ, махсулот ҳозирда Balenciaga'нинг расмий веб-сайтида сотувга қўйилмаган.

АҚШда TikTok блокраниши мумкин

АҚШ Президенти Жо Байден агар TikTok'ни тақиқловчи ҳужжат Конгресс томонидан тасдиқланса, мазкур қонун лойиҳасини имзолашини айтиди. Бу ҳақда "NBC News" хабар берди.



Қайд этилишича, АҚШ Вакиллар палатасининг Савдо ва энергетика бўйича қўмитаси бир овоздан АҚШда TikTok'ни тақиқловчи қонун лойиҳасини маъқуллаган. Америкаликларни "чет эллик ҳужумчилар томонидан бошқариладиган иловалар"дан ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳасига Висконсин штатидаги республикачи Майк Галлагер ва Иллинойс штатидан демократ Ража Кришнамурти ҳомийлик қилган.

Мушук расман ишга қабул қилинган

Москва вилоятидаги "Пятерочка" озиқ-овқатлар дўконига "Пепа" исмли мушук расман ишга қабул қилинди.

Пепа ўзини ўзи банд қилган ишчи сифатида ёлланган, эркин графикда ишлайди, вази-фаси – одамларга яхши кайфият улаштириш. Аслида мушукнинг уйи ҳам, эгаси ҳам бор, лекин унга магазинда "ишлаш" ёқади, чунки, иш уйининг ёнида, коллектив яхши, ҳар куни со-сиска, сметана каби бонуслар ҳам беришади.



Энг сўнгги моделдаги ноутбук

ASUS компанияси технологиялар соҳасида ўзининг янгиликлари билан яна бир бор дунёни лол қолдирди.

Дубайда бўлиб ўтган "ASUS технологиялар эволюцияси" асослардан инновацияларгача минтақавий тақдимотида компания ўзининг янги, сунъий интеллект технологиялари асосида ишловчи замонавий ноутбуклари, жумладан, Intel® Core™ Ultra процессори ва нейрпроцессор (NPU) билан жиҳозланган моделларини тақдим этди.

Янги версияга сунъий интеллектни қўллаб-қувватловчи функциялар, иккита дисплейли ноутбуклар (Zenbook Pro Duo) ва тақомиллаштирилган совитиш технологиялари киритилган.



Интернет маълумотлари асосида Сухробжон САДИРОВ тайёрлади

Эълон

Тошкент вилояти ҳудудидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларни бириктириш бўйича 2024 йил 23 апрель соат 14:00 да электрон тарзда

ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ



| № | Йўналиш рақами | Йўналиш номи | Йўналиш тури |
|------------------------------|----------------|---|-----------------|
| Шаҳар атрофи йўналиши | | | |
| 1 | VX-220 й.т | "Янгийўл деҳқон бозори – Вилоят шифохонаси" | йўналишли такси |
| 2 | VX-236 й.т | "Халқобод кўрғони – Чилонзор буюм бозори" | йўналишли такси |
| 3 | VX-237 й.т | "Балиқчи маҳалласи – Жанубий вокзал АШБ" | йўналишли такси |
| 4 | VX-310 й.т | "Оқкўрғон деҳқон бозори – "Янги ҳаёт" қ.ф.й. Охунбобоев бўлими" | йўналишли такси |
| 5 | VX-312 й.т | "Оқкўрғон деҳқон бозори – Хўжақўрғон МФЙ (27-мактаб)" | йўналишли такси |
| 6 | VX-313 й.т | "Оқкўрғон почта бўлими – Қаҳрамон ф.у." | йўналишли такси |
| 7 | VX-349 й.т | "Жумабозор қишлоғи – Олға кўрғони (Қурсой)" | йўналишли такси |
| 8 | VX-371 й.т | "Жумабозор кўрғони – Қўйлик деҳқон бозори" | йўналишли такси |
| 9 | VX-385 й.т | "Жалолтепа МФЙ – Янгибозор АШБ" | йўналишли такси |
| 10 | VX-437 й.т | "Нурафшон АШБ – Маматқулов м.ф.й." | йўналишли такси |
| 11 | VX-461 й.т | Туркистон ф/у-Келес деҳқон бозори (Ибн Сино АШБ орқали) | йўналишли такси |
| 12 | VX-495 й.т | "Тузель қишлоғи – Чкалов номли ТАИЧБ шифохонаси" | йўналишли такси |
| 13 | VX-499 й.т | "Чингелди қишлоғи – ТТЗ АШБ – Наврўз бозори" | йўналишли такси |
| 14 | VX-501 | "Мой қишлоғи – ТТЗ АШБ (Наврўз бозори орқали)" | автобус |
| 15 | VX-535 й.т | "Чувалачи маҳалласи – ТошДАУ – Вилоят марказий шифохонаси" | йўналишли такси |
| 16 | VX-541 й.т | "Оқкўрғон деҳқон бозори – Мамут МФЙ (Бўка орқали)" | йўналишли такси |
| 17 | VX-548 й.т | "Ғазалкент АШБ – Хумсон дам олиш оромгоҳи (Бештут орқали)" | йўналишли такси |
| 18 | VX-554 й.т | "Ғазалкент АШБ – Чорвоқ кўрғони" | йўналишли такси |
| 19 | VX-562 й.т | "Қодира маҳалласи – ТТЗ АШБ (Ширин бозори орқали)" | йўналишли такси |
| 20 | VX-583 й.т | "Чиноз шаҳри – Йўл тушган маҳалласи – Чиноз пахта заводи" | йўналишли такси |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги "Автомобиль транспортида йўловчи ташиш йўналишлари бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 738-сонли қарори талабларига мувофиқ шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини бириктириш юзасидан очик тендерлар фақат электрон ахборот тизими орқали ўтказилади. Тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, тегишли равишда автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташувларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳамда электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтган юридик шахс-

ларнинг қатнашишига йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 738-сонли қарори билан тасдиқланган "Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлараро) ва халқаро йўналишларини бириктириш бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ"га мувофиқ:

– Тендерда қатнашиш учун таклифлар талабдорлар томонидан ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этилади;

– Айнан битта автотранспорт воситаси бир вақтнинг ўзига бир нечта туғалланмаган лотларга ҳамда амалдаги

шартномага мувофиқ йўналишга бириктирилган автотранспорт воситаларининг тендер таклифи сифатида ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилмайди (шартноманинг амал қилиш муддати туғашига олтиш ва ундан кам кун қолганда мазкур шартномада кўрсатилган автотранспортларнинг ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилмайди).

Талабдор тендер таклифларини тақдим этиши учун тендерни ташкил этиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдоридagi тўловни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳисоб рақами (АТБ "Ипотек банк" Чилонзор бўлими, х/р: 4014108604262773422967279, банк коди: 00997, СТИР: 202811527)

ўтказиб, 2024 йил 22 апрель соат 14:00 гача ўз тендер таклифларини ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этиши шарт.

Тендер таклифлари белгиланган муддат якунланганидан кейин қабул қилинмайдиган ҳамда тендер таклифлари тақдим этилганидан кейин қатнашчилар уларга тузатиш киритиш ҳуқуқига эга эмас.

Қатнашчилардан тендер бўйича келиб тушган таклифлар ахборот тизими орқали автоматик тарзда баҳоланади.

Тендерни ташкиллаштириш бўйича ваколатли орган: Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент вилояти транспорт бошқармаси.

Маълумот учун телефон: (+99871) 202-05-00 (213).

Ажаб савдолар

ИНСОФНИНГ "ҚИЗИЛ ЧИРОҒИ"

Электр таъминоти корхонасида ишловчи фидойилар кўп. Тан олайлик. Улар халқнинг чироғини ёқади, кўнглини ёритади. Лекин, улар орасида нафснинг, текин бойликнинг шаъмини ёқиб, "ҳадис"ини ўқийдиганлар ҳам учраб туради. Афсус...

Ш.Х. 2023 йил 4 январга қадар "Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ электр энергияси сотиш ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бошлиғи – бош ҳисобчи ўринбосари лавозимида ишлаб келган. Оҳангарон тумани электр таъминоти корхонасининг 1-тоифали бухгалтер А.Э. ҳамда Оҳангарон тумани электр таъминоти корхонаси бошлиғининг сотув бўйича ўринбосари Н.Р. лар билан боши қўшилиб, тили бирикдию, шу қинғирликлар рўй берди.

Аниқроғи, Оҳангарон тумани ЭТК томонидан 2021 йилда юк хатларига асосан қабул қилинган ва истеъмолчиларга ҳисоб-китоб қилинган электр энергияси орасидаги тафовутни яшириш мақсадида 2022 йил март ойида Оҳангарон тумани ҳудудидаги "Ugam-Chotqol Davlat Biosfera Rezervati" УК номли истеъмолчига икки хил тарифни қўллаш орқали электр энергияси нархини "0" сўмга тенглаштирган ҳолда 661 минг 767 кВт. электр

картаси"га асосан равишда ўзгаришлар киритиш ва ҳисоблагичнинг кўрсаткичларини оширган ҳолда 3 млн. 436 минг кВт.соат электр энергиясини сунъий ҳисоб-китоб қилиб, йил якуни бўйича сохта ҳисоботларни шакллантирди. Ҳақ, шоввозлар-ей!

Улар бу билан ҳам тиниб қолгани йўқ. Иштаҳа таом устида келди-да! Уларнинг борган сари ҳаққалак отган нафсининг ҳам етмиш қирраси очила борди.

"Электр-ҳисоб" дастуридаги логин орқали 2021-2022 йиллар давомида қабул қилинган ва истеъмолчиларга ҳисоб-китоб қилинган электр энергияси орасидаги тафовутни яшириш мақсадида 2022 йил март ойида Оҳангарон тумани ҳудудидаги "Ugam-Chotqol Davlat Biosfera Rezervati" УК номли истеъмолчига икки хил тарифни қўллаш орқали электр энергияси нархини "0" сўмга тенглаштирган ҳолда 661 минг 767 кВт. электр

энергиясини баланс ҳисоботи-га сунъий киритиб, 221 млн. 30 минг 178 сумлик электр энергиясини ҳисобдан чиқаришга эришилган. Бу жумладан оддий халқона тилда айтсак, шунча пуллик электрни талон-торож қилишган.

Шунингдек, Ш.Х. бундай "хунар"ини Чиноз тумани ЭТК билан ҳам давом эттирган. 2021

ҳамда истеъмолчининг электр ҳисоблагичининг кўрсаткичларини оширган ҳолда 4 млн. кВт. электр энергиясини сунъий ҳисоб-китоб қилиб, йил якуни бўйича сохта ҳисоботларни шакллантирган.

Бундай шоввозликлар Ангрэн шаҳрида ҳам худди шу каби усулларда давом этган. Масалан, "Ангрэн шаҳар



жирларининг "и1" ва "и2" кириш – чиқиш занжирларини ўзаро бирлаштириб, истеъмол қилинган электр энергияси миқдорини ҳисоблагичда камайтиришга эришган. "Ўзэнергоспеция" Тошкент вилояти ҳудудий бўлимининг қайта ҳисоб-китоб маълумотномасига кўра, бу орқали давлат ва жамият манфаатларига 1 млрд. 376 млн. 913,6 минг сўм зарар етказилган.

Бир миллиард уч юз етмиш олти миллион сўм-а! Бир фидойи ўқитувчи миллат келажигини тарбиялаб, қалбининг кўри, кўзининг нурини бағишлаб, қўлига ҳар ойда 4-5 миллион сўмининг нари-берисидан ортиқ пул ушлолмаётган замонда-я!

Мазкур иш Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар судида кўриб чиқилиб, айбдорлар қилмишига яраша жазо олди. Етказилган зарарлар ундирилиб, давлат газнасига топширилди.

Ҳа, нур улашган, чироқ ёққан яхши, аммо инсоннинг ичида инсофнинг ҳам "қизил чироғи" доим ёниб туриши керак.

Сўнгги мулоҳаза. Раҳбарнинг кўзи тўртта, қўлоғи саккизта бўлади, дейишади. Нима учун тизимдаги порахўрлик, талон-торожлик каби иллатларни ҳуқуқ-тартибот идоралари аралашиб, бартафариб этиб бериши керак? Бу идоралардаги раҳбарларни нима учун гафлат босган? Раҳбар назорати деган гаплар қаерда қолди?

■ Табриklar

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

юртимиз аҳлини

шарқона янги йил –

Наврўз умумхалқ байрами
билан қўтлайди!

*Фасли навбаҳор ҳар бир оила, ҳар бир маҳаллага, элу юртимизга
тинчлик ва фаровонлик, бахту саодат олиб келсин!*

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Umrat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Behzod QOBULOV

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Suhrobjon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 22.20

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-335.

4 530 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456

ЧИНОЗ ТУМАНИ

Хотин-қизлар
тадбиркорлик

маркази жамоаси

ва марказ раҳбари

Коммуна ШЕРМАТОВА

*юртдошларимизни яшарини ва
янгилашни айёми –*

Наврўзи
олам

*билан самимий
муборакбод этади!*

Юртимиз равнақи ва халқимиз
фаровонлиги йўлида қилаётган са-
марали меҳнатларида улкан зафар-
лар тилайди!

Наврўз шуқуҳи хонадонларимиз-
га тинчлик, дастурхонларимизга
тўкин-сочинлик олиб келсин!

DAVLAT
KADASTRLARI
PALATASI
TOSHKENT VILOYATI
BOSHQARMASI

ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ПАЛАТАСИ

Тошкент вилояти
бошқармаси жамоаси

барча юртдошларимизни файзу
тароват, меҳру мурувват айёми –

Наврўзи олам билан табриклайди!

Азалий ва абадий қадриятларимиз
рамзи бўлган ушбу айём
юртимизга тўкинлик,
хонадонларимизга
файзу барака
олиб келсин!